



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Замонавий шароитларда жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг, мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда.

Ўтган даврда фан ва технологияларни ривожлантириш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди.

Шу билан бирга, қуйидаги тизимли муаммоларнинг мавжудлиги, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик кўзланган ислохотларнинг самарали амалга оширилишига ҳамда мамлакатнинг жадал инновацион ривожланишига тўқсизлик қилмоқда, хусусан:

Биринчидан, давлат дастурларини ишлаб чиқишда замонавий фан ва инновацион технологияларнинг ютуқлари ва ривожланиш тенденцияларини лозим даражада комплекс таҳлил қилиш ва ўрганиш мавжуд эмас, бунинг оқибатида мазкур дастурлар аксарият ҳолатларда муаммоларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳамда узоқ муддатли ривожланиш масалаларини ҳал этмапти;

Иккинчидан, фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишнинг ҳозирги аҳоли инновацион ғоялар ва ишланмаларни тўлиқ рўёбга чиқариш ва амалий жорий этиш учун лозим даражадаги шароитларни таъминламайпти;

Учинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик прогност қилиш, қўллаб-қувватлаш ва жорий этишни таъминловчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, илмий-тадқиқот ва ахборот-таҳлил муассасаларининг тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатиши фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ интеграциялашишига имкон бермапти, бу эса ўтказилган изланишларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда;

Тўртинчидан, юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни биринчи навбатда жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича фаолиятни ташкил этишда қамчиликлар технологик қолоқликка ва инновацион товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг чекланганлигига олиб келмоқда;

Бешинчидан, илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилиш ҳамда инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий этишда алоҳида ҳолатлардаги тор идоравий манфаатларнинг устурули қилиши бюджет маблағларидан нооқилона фойдаланишнинг сабабларидан биридир;

Олтинчидан, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклики татбиқ этишга, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришга етарли эътибор қаратилмапти;

Еттинчидан, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш соҳасида юқори тажриба ва салоҳиятга эга бўлган хорижий (халқаро) ташиқлотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, улардан бўлган мамлакат фани, саноати ва иқтисодий-технологик ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш паст даражада сакланиб қолмоқда.

Мазкур ҳолатлар инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш соҳасида давлат бошқаруvinинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришни талаб қилади.

Илғор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодийнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ;

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланишининг асосий йўналишлари этиб белгилансин: мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажақдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат бошқаруви

органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқаруvinинг инновацион шакллари жорий этиш;

хўдудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги юксалиши учун зарур шароитларни таъминлашга қодир бўлган фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини шакллантириш;

инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ишланмаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, ўшбу фаолиятда иқтидорли ёшлар фаол иштирок этиши учун қулай шароитлар яратиш;

мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, шу жумладан илмий-экспериментал иxtисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари, технопарклар ва бошқа инновацияга йўналтирилган тузилмаларни, хусусан, чет эл инвесторлари иштирокида ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

табиати муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, жумладан, муқобил энергия манбаларини, сувни тозалаш ва чучулаштириш, ундан оқилона фойдаланишнинг замонавий шакллари кенг қўллаш орқали фаол жорий этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш, ўз вақтида ва самарали даволашга имкон берувчи илғор технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс тизимни яратиш;

аграр соҳага инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни, шу жумладан ишлаб чиқариш самарадорлигини ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўмаклашувчи кишлоқ хўжалиги экмиларининг янги селекция навларини тарғиб қилиш;

иқтисодийнинг реал сектори тармоқларини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация, саноат ва бошқа инновацион технологияларни жадал жорий этиш;

инновация фаолияти соҳасида илғор хорижий (халқаро) ташиқлотлар билан, шу жумладан уларни ноу-хау, нанотехнологиялар ва юқори технологик товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг маҳаллий бозорига жалб қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади);

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Вазирлиқнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

а) давлат ва жамият қурилишига инновацияларни жорий этиш соҳасида: инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқишни, давлат ва жамият бошқаруви тизимини ривожлантириш, давлат хизматлари сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик механизмларини, энг аввало, инфратузилма объектлари ва ресурслар энг кўп сарф қилинадиган тармоқларда кенг жорий этишга қўмаклашувчи;

долзарб муаммоларни, энг аввало, жойлардаги муаммоларни ҳал этишда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлигининг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш;

жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

б) иқтисодий тармоқларига инновацияларни жорий этиш соҳасида: мамлакатимиздаги инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни тарғиб қилиш ва улардан амалий фойдаланишнинг

механизмларини шакллантириш, бозорнинг тез ўзгарувчан жаҳон конъюнктура-сини ҳисобга олган ҳолда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини пасайтириш имконини берувчи экологик тоза технологияларни қўллаган ҳолда унумдорлиқни оширишни назарда тутадиган «яшил иқтисодиёт» технологияларининг принципларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қўмаклашувчи;

республика инновацион салоҳиятининг, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари, технопарклар, шунингдек, логистик хаблар фаолияти самарадорлигининг ўсишига фаол қўмаклашувчи;

макроиқтисодий, солиқ-бюджет, пул-кредит параметрлари, шунингдек, интеграция жараёнларининг иқтисодийта таъсирини баҳолаш билан ўзаро боғлиқликда иқтисодий тармоқларини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш сценарийларини шакллантиришга қўмаклашувчи;

хизматлар соҳасини тубдан такомиллаштириш, энг аввало, инновацион ишланмалар ва технологияларни жорий этиш ҳисобига уларнинг сифатини ва ялли ички маҳсулотни шакллантиришдаги ролини ошириш;

инновацион ёндашувлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали туризм соҳасининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш бўйича тақлифлар киритиш;

инновацияларни жорий этиш ва ҳудудлар иқтисодиётини диверсификация қилиш қўламини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш ҳисоби-га ҳудудлар иқтисодий тараққиётидаги номунасосликларнинг олдини олиш;

в) кишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш соҳасида:

энг аввало, мавжуд ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини берувчи «Ақлли кишлоқ хўжалиги» концепциясига асосланган кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг замонавий синалган шакллари жорий этиш бўйича тақлифлар киритиш;

аграр секторда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг максимал даражада автоматлаштириш, ҳосилдорлиқни жиддий ошириш ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш, шунингдек, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга қўмаклашувчи;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозоридagi рақобатбардошлигини, шу жумладан йирик ритейлерлар ёрдамида таъминлаш орқали савдо бозорларини ва уларни тўғридан-тўғри етказиб беришни кенгайтиришга қўмаклашувчи;

г) ижтимоий ривожланишга инновацияларни жорий этиш соҳасида: таълим тизимида инновацияларни, шу жумладан ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини жорий этиш орқали тарғиб қилишга қўмаклашувчи, рақамли технологиялардан кенг фойдаланишни назарда тутувчи инновацион ўқув дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимини, шу жумладан касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика қилишни таъминлайдиган илғор технологияларни, «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббиёт ахборот маркази» концепцияларини жорий этиш орқали жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳолининг узоқ умр кўриши учун қўшимча шароитлар яратишга қўмаклашувчи;

«Хавфсиз шаҳар», «Ақлли шаҳар» концепцияларини жорий этишни, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни таъминлайдиган маданий, спорт ва бошқа объектларни ташкил қилишни ҳам назарда тутувчи илғор стандартларни ҳисобга олган ҳолда, шаҳар-созиликнинг фақат бош режалар, режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига мувофиқ изчил ривожланишни таъминлашга қўмаклашувчи;

д) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш тизимига инновацияларни жорий этиш соҳасида: атроф-муҳит ифлосланишини камайтиришга, жумладан, атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни, сув объектларига ташланмаган оқова сувларни камайтиришга, биологик ҳилма-ҳиллик ва экотизимни сақлашга қаратилган инновацион технологик ечимлар ишлаб чиқиш;



КОБУЛ — ТОШКЕНТ ЙЎНАЛИШИДА ИЛК ПАРВОЗ

2017 йил 29 ноябрь куни Афғонистон пойтахти Кобул шаҳридан Тошкентга илк бор тўғридан-тўғри авиақатнов амалга оширилди.

Ўшбу воқеа Ўзбекистон — Афғонистон ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик тамойилларига асосланган ришталар турли йўналишларда ривож топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Афғонистонда қурилиш, энергетика, тоғ-кон саноати ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этмоқда.

Ўтган йиллар давомида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан Хайратон — Мозори Шариф темир йўл линияси қуриб, фойдаланишга топширилган эди. Кобул — Тошкент йўналишида авиақатновнинг йўлга қўйилиши мамлакатларимиз логистика салоҳиятини ошириш, фуқаро авиацияси бўйича ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Илгари йўловчилар Афғонистон пойтахтидан Тошкентга Истанбул ёки Дубай шаҳарлари орқали 17-32 соатда етиб келган бўлса, янги йўналишда бу вақт 1,5 соатни ташкил этмоқда, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бўлими бошлиғи Нодир Аюпов. — Ўшбу йўналишда учиб йўловчилар учун ҳар томонлама қулай бўлиб, ҳам вақт, ҳам сармоя тежалади.

Кобул — Тошкент йўналиши бўйича илк парвозни Афғонистоннинг «Kam air» авиакомпанияси амалга оширди. Янги қатнов икки мамлакат авиакомпаниялари учун ҳамкорлиқнинг янги уфқларини очди. Келишувга кўра, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мактабида афғонистонлик учувчиларнинг ҳаво кемаларини бошқариш бўйича ўқувни ташкил этилади. «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасида «Kam air» самолётларига техник хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.

Афғонистондан Тошкентга авиақатновлар ҳафтасига икки кун, замонавий лайнерларда амалга оширилади. Авиарейслар вақтини белгилашда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси самолётларининг Германия,

Буюк Британия ва бошқа давлатларга қатновлар жадвали инobatга олинган. Бу Афғонистондан парвозни амалга оширган йўловчиларнинг Ўзбекистон орқали Европа шаҳарларига учиб учун қулайлик яратади. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро ва Урганч йўналишидаги парвозлар оралиғида мутаносиблик мавжудлиги афғонистонлик йўловчиларнинг Ўзбекистон бўлиб саёҳат қилишларига ҳам имкон беради.

— Фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорлигимиз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» сингари ишончли ва минтақада улкан салоҳиятга эга компания хисобига кенгайганидан бениҳоя мамнунмиз, — дейди «Kamgar Group» компанияси раҳбари Земирай Камгар. — Ўшбу ҳаво қатнови халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва манфаатли шериклик истиқболдан далolatдир. Шундай катта имкониятни яратиб бергани учун Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига миннатдорлик билдираимиз.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Ҳаракат дастури ижроси

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН КИШИЛАР

ИЖТимоий ҳимояси учун Тошлоқ туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари Мухаммадjon Жўрабоев Назира Йўлдошеванинг хонадонига бориб, оила аъзолари билан суҳбатлашди. Улар депутатга ўзларини ўйлантираётган муаммо ҳақида гапириб берди:

— Ўғлим болалигида ҳасталаниб, юролмай қолди. Шунинг учун ногиронлик аравчасига эҳтиёж сезяпмиз. Ўзимизда уни сотиб олишга имкон йўқ. Қаерга мурожаат қилишни билмаяпмиз.

3

Халқаро медиа-форум

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ ДУНЁ НИГОҲИДА

Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида пойтахтимиздаги анжуманлар саройида «Ўзбекистон маданий мероси» мультимедиа лойиҳаси доирасида халқаро медиа-форум ўтказилди.

Анжуман Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎЗЭОАВМА), Маданият вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси, Ўзбекистон Фанлар Академияси, «Zamon press info» нашриёт уйи, «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги, «Караван ТВ» телеканали, «Севимли ТВ» онлайн интернет телеканали ҳамкорлигида ташкил этилди.

Медиа-форумда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари, Президент ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси ректори Рустам Қосимов, Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев, Маданият вазирининг ўринбосари Камола Оқилова, ЎЗРФА вице-президенти



Баҳром Абдухалимов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдуқолиқов, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Томас Кунце, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Дендес Бадрар Ртвеладзе ва бошқалар Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор тарихий-маданий меросини янада кенгроқ тарғиб этиш ва асраб-авайлаш масалалари хусусида фикр билдиришди.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

бўлиб, таклифлар ва ҳақиқий аҳвол ўрганилмоқда

«Меҳнатга лаёқатли кам таъминланган аҳолининг бандлиги: соҳада амалга оширилаётган ишлар, муаммолар ҳамда уларнинг ечими». Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши томонидан ўтказиладиган тадбир мавзусини эшитиб, тўғриси, бир залда, маърузалар асосида ўтадиган одатий йиғилишни тасаввур қилгандим. Зангиота туманидаги хонадонларга кириб борганимиздан кейин фикрим ўзгарди.

Дастлаб Далғузар маҳалласидаги Абзаловлар хонадонига бордик. Оила аъзолари Ҳасан Абзалов ҳамда Дилдора Салимова бизни мамнуният билан кутиб олди. Бир нафар қизига ҳаётда ҳамроҳ бўлсин, деб ўғил асраб олган бу инсонларнинг жасорати кишини ҳайратлантиради.

Абзаловлар оиласи «Савдогарбанк» туман филиали томонидан ажратилган 8 миллион сўм кредит эвазига икки бош қорамол олибди. Биз билан суҳбатда бўлган қўшни аёл Инобат Тўлаганова ҳам кредит эвазига оёққа туриб, кам таъминланган оилалар рўйхатидан чиқарилибди.

— Биз 30 йилдан бери қўшнимиз. Бир кўчада аҳилиноқ яшаб келямиз, — дейди Инобат Тўлаганова. — Дилдора опа келин бўлиб тушганида кўзлари заиф кўрарди. Йиллар ўтиб, умуман кўрмай қолди. Уларнинг қизи 25 ёшда, ўғли эса коллежда ўқийди. Бу оиланинг аҳилиноқ мақтовга лойиқ. Тўй-маросимларимизда бирга бўлишди, қўлларидан келганча кўмаклашди. Маҳалламиз яқинда уларга новвойхона

қуриб берди. У ердан тушадиган ижара тўлови оилани тебратишга сарфланади. Бундан ташқари, маҳалладошлар ҳашар йўли билан янги ошхона қўтаришди. Ҳамма уларнинг ҳолидан хабар олишга ҳаракат қилди.

Яна бир неча хонадонда бўлдик. Одамларнинг турмуш тарзи билан танишдик. Тақдир синовларига қарамасдан интилишдан, ҳаётни севишдан тўхтамаган ҳамюртларимизнинг орзу истакларини ўргандик.

Шундан кейин семинар ўтказиладиган жойга келдик. У ерда йиғилганларнинг аксариятини хотин-қизлар ҳамда коллеж битирувчилари ташкил қилар эди.

Вилоят партия кенгаши раиси Меҳроҳ Дархонов семинарнинг аҳамияти хусусида гапирди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятига кўра, партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг эканини таъкидлади. Ўз ишини очиш истагида бўлган эҳтиёжманд аҳоли вакиллари учун қўлай имкониятлар яратилгани, имтиёзли кредитлар ажратилаётгани

ҳақида атрофлича маълумот берди.

— Бугун биз сизларни тинглашга, сизлар билан очик мулоқот ўтказишга келдик, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудир Боймурод Юсупов. — Тақдир тақозоси билан ёрдамга эҳтиёжманд кишилар, оилалар, таъминланган оилалар доим бўлган. Бизнинг мақсадимиз ҳам, вазифамиз ҳам уларни фаол қайтартириш, одамларни боқимандалик қайфиятидан чиқаришдан иборат. Ҳаётимизни яхшилаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур.

Семинарда «Микрокредитбанк» АТБ ходимлари ҳам иштирок этди. Улар тизимда яратилган қўлайликлар, коллеж битирувчилари, кам таъминланган оилалар ҳамда оилавий бизнесни очиш учун бериладиган имтиёзли кредитлар, уларнинг йиллик фоиз ставкалари ҳақида батафсил сўз юритишди.

Семинарнинг иккинчи қисми савол-жавоблар ҳамда муҳокамаларга бағишланди. Унда фуқаролар ўзларини ўйлантираётган турли мавзуларда саволлар беришди.

Ҳожиакбар НИФМАТОВ, коллеж битирувчиси:

— Мен келажакда чорвачилик билан шуғулланмоқчиман, қорамол боқмоқчиман. Аҳолига сифатли ва арзон гўшт етказиб беришни ният қилганман.

Шу ишни бошласам, неча фоизлик кредит олишим мумкин ва қанча миқдорда солиқ тўлайман?

Ирода ҚОСИМОВА, «Микрокредитбанк» АТБ Республика бошқармаси бош мутахассиси:

— Касб-хунар коллежлари битирувчилари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси билан 14 фоизлик, 36 ой мuddатга кредитлар олиши мумкин. Янги иш бошлайдиган битирувчилар бир йил давомида солиқдан озод қилинади.

Муҳиддин ЭЛМУРОДОВ, коллеж битирувчиси:

— Мен ҳам қорамолчилик билан шуғулланмоқчиман. Фақат кредит маблағи қўлимизга берилишини хоҳлардим. Чунки агрофирмалар 5,5 миллион сўмга берадиган қорамолни бозордан 3,5 миллионга сотиб олиш мумкин...

Ашур ҚОДИРОВ, «Микрокредитбанк» АТБ Тошкент вилоят филиали масъул ходими:

— Бундай турдаги кредит маблағлари мақсадли сарфланиши учун агрофирмалар ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Сиз

айтаётган масала эса депутатлар томонидан ўрганилиши ва таклиф берилиши керак, деб ўйлайман...

Тадбирда жисмоний имконияти чекланганларни иш билан таъминлаш, ёлғиз аёллар, боқувчисини йўқотган кесксаларнинг ижтимоий ҳимоясига оид саволларга ҳам мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Шу кунги турли масалалар бўйича фуқароларнинг мурожаатлари тингланди. Масалан, Меҳри Салимова икки нафар набирасига фуқаролик паспорт ололмаётганини айтди. Бунга сабаб қизи келин бўлиб тушган хонадон қўшимча тўловлардан халос бўлиш учун уни яшаш жойига рўйхатга қўймаган экан. Турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, қайнонаси келини ва набираларини сиздирмаган. Натижада ҳеч қасрда рўйхатдан ўтмаган икки нафар қиз паспортсиз қоляпти. Шу масалада депутатлардан ёрдам сўради.

Шунингдек, уй-жой қурилиши масаласида, битирувчиларнинг 4 томонлама шартномаси бажарилмагани бўйича, коммунал тўловлар ва яна бошқа муаммолар юзасидан мурожаатлар ёзиб олинди. Уларга ечим топиш учун тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинадиган бўлди.

Бу каби тадбирлар Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат манфаати

Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази фуқароларни талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича ўқитиб, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бераётган муассасалардан бири. Бу йил ташкил этилганига йигирма беш йил бўлган марказ шу пайтга қадар олти беш мингдан зиёд фуқарони ўттиздан ортиқ йўналишларда касбга тайёрлади, малака оширишига ёрдам берди.

ҲУНАРИ БОРГА ИШ ТОПИЛАДИ

— Ҳозирги кунда компьютер оператори, электрпайвандчи, тикувчи, сартарош, иш юритувчи каби йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлашми, — дейди марказ директори Абдуҳамид Мустағиров. — Бизда ўз соҳасини яхши биладиган ўқитувчилар дарс беради. Жорий йилнинг шу даврига қадар ўқув марказимизда мингга яқин фуқаро қайта тайёрланди. Айтиш мумкин бўлади, таълим олаётганлар 200 нафарга яқин.

Бугун ишлашни, ҳаётда муносиб ўрин топишни истаган одам мақсадига эришади. Марказ инсонларга ёрдам беришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Ўқш давомида бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан стипендия тайинланади ва таълим даври ҳам меҳнат стажига қўшилади. Стипендиянинг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараварини ташкил этади.

Марказда фуқаролар истаган таълим йўналиши бўлмаса, бунинг ҳам чораси бор. Айтилик, уяли телефон аппарати таъмирлаш бўйича таълим олишни хоҳловчилар кўп бўлса, шу йўналиш бўйича курс ташкил этилади. Ёки фуқаро йўлланма билан касб-хунар коллежи ёки нодавлат ўқув марказларидан бирига юборилади ва марказ билан ҳамкорликда таълим олади.

— Марказимиз таълим муассасаларидан анча фарқ қилади, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Малика Сарварова. — Бу ерда асосан оилали, фарзандли ота-оналар ўқийди. Ҳар бирининг ўзига яраша дарди, ташвиши бор. Уларнинг кўнглига йўл топиб, мустаҳкам билим бериш ўқитувчилардан катта масъулият талаб этади. Ҳафтасига беш кун, етти соатгача тахсил олиш, амалий дарсларда иштирок этиш учун ўқувчиларимизнинг ўзларида ҳам иштиёқ бўлиши керак, албатта.

Ҳам рўзгор, ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланган одам учун ўқинишнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Бироқ ҳоши ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтади.

Мохмур Юсупова 2009 йилда Тошкент давлат иқтисодий университетини қўшдаги академик лицейни кичик ЭХМ оператори йўналиши бўйича битирган. Ҳозир унинг мутахассислиги бўйича ишчи кучига талаб бўлмагани учун Яқкасарой туман бандликка кўмаклашиш маркази йўлланмаси билан ўқув марказида тикувчилик йўналишида таълим оляпти.

Бугун кимлардир ҳаётини янгидан бошлаб, касб-хунар ўрганаётган пайтда ҳам айримлар ҳамон иш тополмай овера. Кимдир тургалган йўналиши замон талабига жавоб бермай қолган. Кимдир ўз мутахассислиги бўйича етарлича кўникмага эга эмаслиги, яна кимдир соҳасига тўғри келадиган бўш иш ўрни йўқлиги сабаб ишсиз. Мана шундай фуқаролар қайта касбга тайёрланса, ишга жойлаштирилса, юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилишларига шубҳа йўқ.

Бироқ ўз мутахассислиги бўйича иш тополмаётган фуқароларнинг ҳаммаси ҳам янги йўналиш бўйича ўқш имкони борлиги ҳақида маълумотга эга эмас. Шу боис фуқароларга, аниққас, қишлоқларда яшовчи аҳолига шундай марказлар фаолияти ҳақида атрофлича маълумот бериб, уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш зарур, деб ўйлайман.

Зилола ҒАЙБУЛЛАЕВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қўйиш илмий-тежирбуш институти маъмурияти 2-гематология бўлими мудир Маъмура Нигматовага турмуш ўртоғи Тоир АРЗУМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзХДП ҳаётидан

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Тошкент давлат иқтисодий университетида Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан давра суҳбати ўтказди. Унда партия фаоллари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Конституция — фаровон ҳаётимиз кафолати



Сингапур ШОУИГАЛОВ олган сурат.

— Ҳар гал Конституциямизни ўқиб эканмиз, унда инсон манфаати, кадр-қиммати улуғланганига амин бўламиз, — деди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, юридик фанлари доктори Гулчехра Тўлаганова. — Конституциямизга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари билан chambarnas bogliq. Хусусан, жазони ўташ жойларидаги шахсларга нисбатан амнистиянинг қўлланилиши, ўлим жазосининг бекор қилингани ва яна қатор жиҳатлар ана шулар жумласидандир.

— Конституциямизнинг ўн тўртинчи боби «Оила» деб номланган, — деди Тошкент давлат иқтисодий университети талабаси Зилола Анварова. — Унда ота-она фарзанди воёга етганига қадар таълим-тарбиясига масъул экани қайд этилган. Шу билан бирга, болалар ҳам улар олдида бурчли экани белгилан қўйилган. Кўриниб турибдики, Асосий қонунимизда миллий қадриятлар чуқур сингдирилган. Шунинг учун ҳаммамиз, аниққас, биз ёшлар мамлакатимиз Конституциясини чуқур ўқиб-ўрганишимиз зарур.

Тадбирда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудир Нилуфар Йўлдошева, Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти доценти Гафур Эшмонов аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг аҳамияти, бу жараёнда барчамиз фаол иштирок этишимиз кераклиги ҳақида фикр юритишди.

Махлиё РУСТАМОВА

Ҳаракат дастури ижроси

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН КИШИЛАР

ижтимоий ҳимояси учун Тошлоқ туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Шухратжонга ҳомийлик маблағлари ҳисобидан арзача олиб берилди. Аммо туманда имконияти чекланган кишиларни ўйлантираётган яна қўлаб масалалар бор.

Депутат уларни тизимли ҳал қилиш учун туман Кенгаши сессиясига олиб чиқиш керак, деган тўхтамга келди. Туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари унинг таклифини қўллаб-қувватлади. ЎзХДП ишчи гуруҳи томонидан назорат-таҳлил ишлари бошлаб юборилди. Худуддаги вазият атрофлича ўрганилди, аниқланган камчиликлар сессияда муҳокама этилди.

— Туманимизда икки юз минг нафарга яқин аҳоли яшайди, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Турсунбой Солиев. — Шундан 3172 нафарини имконияти чекланган кишилар ташкил қилади. Улар билан турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказамиз. Бу каби тадбирлар ногиронларнинг жамиятдаги фаолиги ошишига туртки бўляпти. Учрашувлар мобайнида эҳтиёжманд аҳоли вакиллари ногиронлик аравачаси, қўлтиқ-таёқ ёки протез-ортопедик маҳсулотлар олиш учун қайси ташкилотта мурожаат қилишни билимасликларини айтишди. Шунда ҳуқуқий билимни ошириш кераклигини аниқладик. Биринчи қилган ишимиз ҳокимият биносига мутасаддилар билан биргаликда қабул қилган ташкил этиш бўлди.

— Туманимизда 400 нафарга яқин 16 ёшгача бўлган ногирон бола бор, — дейди туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, 4-мактабгача таълим муассасаси мудир Нилуфар Эминова. — Шундан 193 нафари ўрта таълим мактабларида, 80 нафари уй шароитида ўқитиляпти. 12 нафари эса руҳий ривожланишдан ортда қолган.

— Аҳоли вакиллари катта-кичик муаммолари билан олдимизга келади, — дейди туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари, «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муҳаммадjon Жўрабоев. — Уларга қонун доирасида ва имкон даражасида ёрдам беришга ҳаракат қилиялми.

Яқинда маҳалламиздаги ёш йигит Муроджон

Жалилов имконияти чекланган шахслар учун итхисослаштирилган касб-хунар коллежини тугатишини айтди. Уяли алоқа ва электротехника воситаларини таъмирлашни ўргангани, мустақил иш бошлаш учун маҳалладан жой ажратиб беришимизни сўради. Очиги, бундан хурсанд бўлдик, маҳалламизда бундай хизмат кўрсатадиган шохобча йўқ эди. Биз унинг таклифини қўллаб-қувватладик. Партия фаоллари билан биргаликда унга имтиёзли кредит олиши учун кўмак бериш ҳаракатидамиз.

— Сессияга масала киришдан олдин туман миқёсида ногиронларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликларни ўрта-ниб чиқдик, — дейди халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Тожижон Жўраева. — Саккиз ой мобайнида туман тиббиёт бирлашмасига 101 нафар имконияти чекланган шахс протез-ортопедия ва реабилитация воситалари олиш учун мурожаат қилгани аниқланди. Шундан 29 тасигина ижобий ҳал этилган. Кўриниб турибдики, ногиронларнинг эҳтиёжи етарли даражада қондирилмаган. Ваҳоланки, вилоятимиз ҳудудида фаолият олиб бораётган «Сайқал» МЧЖ қўлтиқтаёқ ҳамда ногиронлик аравачаларини ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотлар талабга жавоб беради. Битта ногиронлик аравачаси ўртача бир, бир ярим миллион сўм атрофида туради. Мазкур муаммоларни ҳомийлик маблағлари ҳисоби-га ҳал этса ҳам бўлади. Протез-ортопедия маҳсулотлари вилоятимизда ишлаб чиқарил-

Махлиё АЛИҚУЛОВА

Касб-хунар коллежлари битирувчилари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси билан 14 фоизлик, 36 ой мuddатга кредитлар олиши мумкин.



«НУРЛИ ДОН»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

— Азиз ҳамюртлар!
Конституциямиз қабул
қилинганининг 25 йиллик
байрами муборак бўлсин!

«КОГОН ЁР»

акциядорлик жамияти жамоаси



халқимизни Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг

25 йиллиги билан муборакбод этади!



«ВАНФОЗИ АГРОЭКСПОРТ»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни 8 декабрь —
Конституциямиз қабул қилинганининг
25 йиллиги муносабати билан қутлайди.

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливочные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138
8807
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:55
Topshirilgan vaqti — 23:35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5 6